ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ва ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ЭНЕРГЕТИКА ФАКУЛЬТЕТИ

"ЭЛЕКТР ТЕХНИКАСИ, ЭЛЕКТР МЕХАНИКАСИ ВА ЭЛЕКТР ТЕХНОЛОГИЯСИ" кафедраси

«Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологияси»,
Йўналиш талабалари учун

“Электр таъминоти”
фанидан лаборатория машғулотлари бўйича

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

Фарғона – 2010

1 - Л А Б О Р А Т О Р И Я   И Ш И

ЛАБОРАТОРИЯ КУРИЛМАСИНИ ТУЗИЛИШИНИ УРГАНИШ

ИШНИНГ МАКСАДИ.

I. КУРИЛМАНИНГ МНЕМОСХЕМАСИ.

Курилманинг мнемосхемаси 1- расмда келтириган булиб, саноат корхоналарининг электр билан таъминлаш системаси электр схемасининг бир кисми хисобланади ва у куйидаги характерли элементларини уз ичига олади :

1. Т1 ва Т2 трансформаторларидан иборат 110/10,5 кВ ли бош пасайтирувчи подстанция (БПП).

2. Кул ердамида кузгатиш токини узгартириш мумкин булган с и н х р о н двигатель (СД).

3. Сутка мобайнида кул ердамида еки автоматик равишда учириш мумкин булган 10,5 кВ кучланишли БК1 ва БК2 , 0,4 кВ кучланишли БК3 конденсатор батареялари.

4. Т3 ва Т4 трансформаторларидан тузилган 10,5 / 0,4 кВ кучланишли цех подстанцияси (ТП). Т4 - ни ПБВ курилмаси уланиши кул ердамида узгартирилади.Т3 ни сутка давомида кул ердамида еки автоматик равишда узиш еки улаш мумкин.

5. 10,5 ва 0,4 кВ ли шиналардаги умумлаштирилган электр юкламаси.

II. КУРИЛМА БОШКАРУВ ОРГАНЛАРИНИНГ ЖОЙЛАШИШИ ВА УЛАРНИ ИШЛАТИШ.

Курилма бошкарув органларининг жойлашуви ва ишлатиш жойлари (1 - расм) курилманинг бошкарув органлари панелнинг юза кисмига жойлаштирилган.Панелнинг пастки унг бурчагида курилма аппаратлари улаш (кора кнопка) ва учириш (кизил кнопка) автоматлари жойлаштирилган. Сигнал лампалари коммутацион аппаратларни холатини курсатади (ениб турган лампа аппарат уланганлигини билдиради).

Улчов асбоблари линиялардаги токларни, 10,5 ва 0,4 кВ кучланишли шиналардаги кучланишларни, трансформатор занжиридаги актив ва реактив энергияни улчаш учун хизмат килади. " + " ва " - " кнопкалари Т2 ни РПН отпайкалари уланишини узгартириш учун хизмат килади. " Мощность БК " тумблери ва " Реактивная мощность " кайта улагич (переключатель) конденсатор батареяларига ва синхрон двигателга улаб генерация киладиган реактив кувват кийматини бериш учун урнатилган (б и р л и г и к В А Р да)." Отпайки Т4 " кайта улагич оркали Т4 нинг отпайкалари холати урнатилади. Панель юзасининг марказий кисмида курилма барча иш режимларини бошкарувчи : курилмани ишга тушириб юбориш учун " П У С К " к н о п к а с и , курилмани иш режимини белгиловчи " Остановка - Работа " тумблери ва сутка вакти моделини контроль килувчи ракамли табло урнатилган. Коммутацион майдон юкори унг кисмида жойлаштирилган булиб схема элементларига автоматик иш режимини бериш учун хизмат килади.

III. КУРИЛМА БИЛАН ИШЛАШ ЭТАПЛАРИ.

Курилма билан ишлаш 3 этапга булинади :

1. Модель схемасига дастлабки (бошлангич) иш режимларини бериш, яъни схемани зарур элементларини улаш конденсатор батареялари ва СД реактив куввати катталигини бериш , трансформатор отпайкаси холатини танлаш.

2. Конденсатор батареяларига иш режими бериш (улаш ва учириш моментлари), Т2 трансформатори анцапфлари холатини узгартириш режимини бериш, Т3 га улаш ва учириш вакти моментларини бериш.

Коммутацион майдонга программа бериш " Время суток " уясини утказгичлар оркали бошкариш уясига улаш билан схема элементларини ишга тушириш оркали амалга оширилади.

Мисол : " Включение Т3 " уялар каторидаги уя билан вакт каторидаги " 9 " уяси сим билан уланса , Т3 трансформатори соат 9 да ишга тушади.

3. Сутка циклини уланиши.

Суткадаги юкламалар графигини моделлаштириш " ПУСК " кнопкасини босганимиздан сунг ракамли таблода ракамли I раками ениши билан бошланади, шу дакикада аввал учирилган моделлаштириш схемасига энергия берилади. Сутка цикли тугаши билан (24 соат утиши билан) курилма дастлабки холатига узи автоматик равишда к а й т а д и . Зарур холларда курилмани дастлабки холатига кайтариш учун " СБРОС " кнопкаси босилади. " Остановка - работа " тумблерининг "Остановка" холати уланганда иш шу дакикада тухтатилади. " Работа " холати уланганда юкламалар графигини моделлаштириш тухтаган вактидан бошлаб давом эттирилади.

IV. КУРИЛМАНИНГ ПАРАМЕТРЛАРИ.

I - жадвалда курилмада моделлаштирилган электр таъминоти система-си элементлари параметрлари, 2 - жадвалда масштаблар келтирилган.

1-Жадвал

Белгиланиши	Тури	Номинал кучланиши, кВ	Катталиклари
1	2	3	4
Т1, Т2	ТДН 10000 / 10,5	110 / 10,5	ΔP_{xx}=27 кВТ $\Delta P_{кэ}$=74 кВТ $U_{кз}$=10,5 % юк остида ростлаш диапозони +5%, + 2,5% -5%, -2,5% номинал куввати $P_н$=10000 кВА
Т3, Т4	ТМЗ 1000 / 10,5	10 / 0,4	ΔP_{xx}=2,4 кВТ $\Delta P_{кэ}$=12,2 кВТ $U_{кз}$=5,5 % юк I_{xx}=2 % ПББ +5%, +2,5% -5%, -2,5% Номинал куввати $P_н$=1000 кВА
БК1, БК2 конденсатор батареялари		10,5	Номинал куввати 4x350 кВАР БК1 ва БК2 нинг зарур булган куввати мнемосхемадаги тумблерлар оркали олинади. Солиштирма йукотиш $\Delta P_к$=0,0025 кВТ / кВАР
БК3 (конденсатор батареяси)		0,4	Батарея куйидаги секциялардан тузилган: 210, 105, 42, 3x1,2 кВАР Солиштирма йукотиш $\Delta P_к$=0,0045

			кВТ/кВАР
Т3 ва Т4 ни таъминловчи кабеллар	АСБ -10 3х50 мм	10,5	Ерда етказишдаги рухсат этилган токи: $I_{доп}$=140 А Солиштирма каршилиги r_0=0,62 Ом/км Узунлиги L=0,8 км
СД (синхрон двигатель)	СТД	10,5	Номинал куввати 630 кВТ, куввати коэффициенти cosφ=0,9 Юкланиш коэффициенти $K_э$=0,8

2-Жадвал

Масштаблар номи	Белгланиши	Микдори	Улчов бирлиги
Вакт	t	240	сек. дейст/сек.масш
Ток	I	10	А / В
Энергия: Счетчик (БПП)	P W Q	255	квт* ч/об.сч. квар* ч/об. сч
Счетчик (ТП)	W P Q	34	квт* ч/об.сч. квар* ч/об. сч

V. КУРИЛМА БИЛАН БИРГАЛИКДА КУЛЛАНИЛАДИГАН ПРИБОРЛАР.

а) Н390 типидаги узи езар прибор.

Курилмада юклама ва температура графикларини чизиш учун узи езар вольтметрлар кулланилади.Бу приборни иш режимлари (улчаш чегараси ва лентани тортиш тезлиги) доимий булиб, иш давомида хеч кандай улчашлар талаб килинмайди. ЭТС нинг сутка давомидаги ишини моделлаштириш бошланганда приборлар автоматик равишда уланади ва моделлаштириш тугагандан сунг яна автоматик равишда учади.

VI. ХИСОБОТ Т А Р Т И Б И.

Хисобот курилмани электр улаш схемаси, ишлаши, унинг асосий параметрларини уз ичига олиши керак .

VII. ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР.

1. Курилмадаги элементлар нима максадларда кулланилади (БПП трансформаторлари, учиргичлар, улчов асбоблари) ?
2. Панель юзасининг унг кисмида жойлаштирилган коммутацион майдон нима учун хизмат килади ?

АДАБИЕТЛАР :

1. Федоров А.А., Каменева В.В. Основы электроснабжения промышленных предприятий . М. : " Энергия " , 1984.

2. Мукосеев Ю.А. Электроснабжение промышленных предприятий. М.: Энергия, 1973.

2 - ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ

ЭЛЕКТР ИСТЕЪМОЛ КИЛИШ ГРАФИКЛАРИНИ УРГАНИШ

I. ИШНИНГ МАКСАДИ

Вакт давомида электр истеъмол килиш тартиби узгариши жараени тахлил килиш ва юклама графикларини асосий характеристикаларини аниклашдан иборат.

II. НАЗАРИЙ КИСМ

Электр юкламаси ва унинг элементларини вакт давомида узгариб туриши электр таъминоти системасида характерли хусусиятларидан биридир. Бу узгарувчанлик тасодифий характерга эга булганлиги учун юкламани вакт давомида узгаришини математик усул билан урганиш тасодифий ходисаларни тушунишда анча кулайдир [А1].

Турли масалаларни ечишда электр юклама узгариш жараени хусусиятларини у еки бу аникликда бера оладиган куп хил эхтимоллик моделларидан фойдаланилади.Мисол учун, электр юкламасини хисоблаш методикаси ишлаб чикилаетганда юклама графикларининг узгармас модели кулланилган [А 2]. Бу модель энг куп истеъмолчига эга булган сменадаги юкламани узгариш жараени фаол электр истеъмолчиларнинг тургунлашган режимини тулик еритиб беради. Агар юклама графиги узгариши кенг интервалларда куриб чикиладиган булса, у холда купинча амалда бундай узгармас модель юкламани барча узгариш хусусиятларини акс эттириб бера олмайди ва бундан унумли фойдаланиш мумкин эмас.

Эхтимоллик моделини тузилишига батафсил тухтамасдан туриб ва уни у еки бу масалани ечишда кулламасдан туриб, электр юкламани вакт давомида узгаришини хисобга олувчи учта масалани эътиборга олиш кифоя :

1. Электр таъминоти системасида (тармок, трансформатор ва шинапроводларда) вактнинг берилган оралик циклида (ой,йил) электрэнергиясини йукотилишини (сарфини) аниклаш. Масалан, айтайлик кандайдир элементнинг актив каршилиги булсин ; бу элементдан окаетган ток булса , умумий холда тургун булмаган тасодифий жараен деб хисобланади. У холда берилган элементда вакт оралигида сарф булган электроэнергия микдорини куйидагича ифодалаш мумкин :

$$\Delta W = \int_0^T I^2(t)\cdot R\cdot dt = R\int_0^T I^2(t)dt \qquad (1)$$

Бордию, тасодифий жараен***I(t)*** ни корреляцион назария буйича (иккинчи даражадан булмаган моментлар куллаш билан (***T***) оралигидаги тасодифий катталик билан алмаштириш мумкинлигини хисобга олсак, у холда берилган ифодани бошкача куринишда езиш мумкин :

$$\Delta W = R\int_0^T I^2(t)dt = R\frac{1}{T}\int_0^T I^2(t)dt = R(mg^2 + GI^2)T \qquad (2)$$

Бу ерда $\boldsymbol{m_g = I_c}$ - ток графигининг уртача киймати еки математик натижа;

G_I^2 - ток дисперсияси .

$$\boldsymbol{I_{с.к}} = \sqrt{\frac{1}{T}\int_0^T I^2(t)dt} = \sqrt{m_I^2 + G_I^2}$$

катталикни урта квадратли ток деб аталади. Шунга ухшаш урта квадрат актив ва реактив кувватлар мос холда куйидагича аникланади :

$$\boldsymbol{P}_{c.\kappa} = \sqrt{\frac{1}{T_0}\int_0^T P^2(t)dt} \qquad \boldsymbol{Q}_{c.\kappa} = \sqrt{\frac{1}{T_0}\int_0^T Q^2(t)dt}$$

Одатда юклама графиклари хакикий узлуксиз жараенларни кетма - кет вакт оралигидаги кийматларини уртачасини олиш оркали чизилади ва курилади. Бундай холда (1) ифодага кирувчи m_I , G_I ва $I_{c.\kappa}$ характеристикалар куйидагича хисобланади :

$$m_I = I_c = \frac{\sum_{i=1}^{n} I_i}{n}; I_{c\,\kappa} = \sqrt{m_I^2 + G_I^2}; G_I^2 = \frac{\sum_{i=1}^{n} I_t^2}{n};$$

Бу ерда n - бутун интервал оралигида уртачалаштирилган интерваллар сони.

2. Юклама графигидаги характеристикалар йигиндисини хисоблаш.

Масалан, айтайлик $P(t) = \sum_{i=1}^{m} P_\kappa(t)$, у холда $m_p = \sum_{i=1}^{n} m_{p\kappa}$

$$\pm^2_p = \sum_{k \le l}^{m} G_\kappa \cdot G_l \cdot r_{kl}$$

Бу ерда $P_k(t)$ ва $P_l(t)$ - актив кувват корреляцион коэффициенти

r_{kl} - мос холда K - нчи ва l - нчи истеъмолчининг

$$r_{kl} = \frac{\sum_{i=1}^{u}\left(P_{ki} - m_{pk}\right)\left(P_{li} - m_{pl}\right)}{(n-1)\pm_{pk} \cdot \pm_{pl}};$$

3. Хисобли юкламани аниклаш.

Олдинги лаборатория ишида берилган маълумотларга кура хисобли юклама уртачалаштирилган графикни максимал кийматлари оркали аникланади.

Агар юкламани вактини узок муддатлари оралигида (бир еки бир неча йил) каралса, у холда максимал кийматини топиш осон булмайди.Чунки, биринчидан, ярим соат оралик куйиб бутун йил юклама графигини куриб булмайди, лойиха масалаларида мутлако номаълум.Иккинчидан , ун йил давомида бир марта (еки 1 йил давомида бир марта) максимал кийматга эга булган юклама хисоб юкламаси деб кабул килиш у кадар максадга мувофик эмас.

Бу каби муаммоларни ечишда юклама узгариши жараенининг турли эхтимоллик статик моделлари кулланилади (А2). Оддий моделлардан бири юкламани энг куп истеъмолчи уланган сменадаги узгармас ораликдаги нормал таксимланиш конунларига эга булган тасодифий катталикдир. 1- расмда актив кувватни эхтимоллик зичлиги, таксимланиш функцияси берилган.



1- расм. Актив кувватни нормал таксимлаш конуни.

Бундай моделларга актив кувватни катта кийматлари мос келиши мумкин, лекин бундай кийматларни пайдо булиш эхтимоллиги жуда кам.Хисобли юкламани бундай холларда кам эхтимолликлар берилган холда аниклаш мумкин.

$$q = \exp\left\{P_0 > P_p\right\} = 1 - f(P_p) - \int_{P}^{\infty} f(P)dP$$

Бу ерда P - кувват P_p микдоридан ортиб кетиши мумкин (бундай холни эхтимоллигига тенг) булган холда деярли мумкин эмас деб хисобласа булади.

Шундай килиб, хисобли юклама сифатида $P(t)$ узгарувчан жараени мумкин булган максимал киймати эмас, балки P_p нинг шундай кийматини олиш керакки унинг учун { $P > P_p$}< q тенгсизлик уринли булсин.

Амалда купинча q = 0,001 деб олинади, бу эса $P_p = P_c + 3 \pm_p$ хисобли юкламага мос келади."Уч сигма" коидаси номини олган. Бу холда нормал таксимланиш конунига асосланган тасодифий катталикни таркалиши 3 ораликдан ташкарида булиб колиши математик кутишда мутлако мумкин эмас.

Юкламани вакт буйича узгарувчанлиги бошка куп холларда :

Электр истеъмол килиш режимларини ва электр юкламасини яхшилашда (кулайлаштиришда), уларни тахлил килищда, заводлар электр занжирларида ва бошкаларда кучланиш сифатини тахлил килиш хамда бахолашда хисобга олинади. Бунинг учун турли у е к и бу хусусиятларини характерловчи юклама нусхалари (моделлари) кулланилади.

Шулардан айримлари:

$P_{см}$, $Q_{см}$ - энг куп юкланган сменадаги уртача актив ва реактив куввати;

$\sim = P_c / P_{см}$ - энергия ишлатиш смена коэффициенти ;

$K_M = P_p / P_{см}$ - актив кувватни максимум коэффициенти ;

$K_Ф = P_{см} / P_c$ - актив кувват графигини форма коэффициенти;

$K_H = P_c / P_p$ - юклама (юклама графигини тулдириш) коэффициенти.

Бордию йил давомида юкламани узгарувчанлиги хисобга олиш керак булса, куйидаги графиклар курилади :

а) бир йиллик уртача ойлик еки суткадаги уртача юкламаники ;

б) бир йиллик,ойлик еки сутка давомидаги максимал юкламаники ;

Куп холларда йиллик графикларнинг нотекислиги T_M катталик оркали характерланади;

$$T_M = \frac{\sqrt{W^2_{год} + V^2_{год}}}{S_P} = \sqrt{T_{м.а} \cdot \cos^2{}_p + T_{м.р} \sin^2{}_p}$$

Бу ерда $W_{год}$ - актив энергияни бир йиллик сарфи;

$V_{год}$ - реактив энергияни бир йиллик сарфи;

$\cos_p$, $\sin_p$ - актив ва реактив кувват нисбатлари;

кувват йукотишларнинг йиллик соатлари сони:

$$^2{}_m = 8760(0{,}124 + \frac{T_m}{10000})^2$$

Юкламани йиллик графиги еки уларни тартибга солинган диаграммалари, коидага биноан, куйидагилар оркали курилади :

- актив ва реактив кувватни киш ва ез кунларидаги суткали графиги, дам олиш кунидаги графиги (хаммаси булиб 6 та график).

Йил давомидаги дам олиш кунларини хисобга олинган холда, киш ва ез кунлари учун курилган графиклар алохида турларга булинади (хафтанинг биринчи иш куни графиги, хафтани охирги иш куни графиги ва х.к.з.), аммо бу хисобларни мураккаблаштиради.

III. И Ш Н И   Б А Ж А Р И Ш   Т А Р Т И Б И

1. Актив ва реактив кувватларни хисобловчисчетчиклар курсаткичи буйича БПП ва цех подстанциясини бир кунлик актив ва реактив куввати улчанади.

2. Юклама графикларини чизиб уларни асосий параметр ва характеристикалари хисобланади (хисоблаш ишларни электрон ракамли хисоблаш машинаси - ЭХМда бажариш тавсия килинади).

P_c, Q_c — P_{c1}, Q_{c1} - БПП ва цех подстанциясини мос холда актив ва реактив кувватларини уртача кийматлари ;

$\pm^2_p, \pm^2_Q$ — $\pm^2_{p1}, \pm^2_{Q1}$ - Барча курсатилган графиклар дисперсияси (цех подст-си ва БППнинг);

r_1, r_2 - БПП машиналаридаги 10,5 кВ кучланишни у з г а р м а с ва номинал деб олинган холда БПП ва цех ТП си тула токи графиги дисперсиясини уртача киймати;

I_c, I_{c1} — $\pm^2_I$ - БПП ва цех ТПси тула токининг графи коэффициентлари.

3. БПП ва цех ТПлари трансформаторларидаги йукотишларни хисоблаш.

Курилмани барча керакли параметрлари (масштаблари, трансформатор характеристикалари ва бошкалар жадвалда келтирилган).

Счетчик курсатиши		курсатишлар фарки		юклама графиги	
а к т и в	р е а к т и в	а к т и в	р е а к т и в	а к т и в	р е а к т и в

IV. Х И С О Б О Т Г А   Б У Л Г А Н   Т А Л А Б Л А Р

Лаборатория иши буйича хисобот куйидагиларни уз ичига олиши керак :

1. Курилмани барча керакли параметрлари ва киритилган соддалаштиришлар.

2. БПП ва цех ТП сини суткали актив ва реактив кувват графиклари хам жадвал куриниш, хам график куринишида.Графикларни ва зарур хисоблашларни жадвал куринишида бериш тавсия килинади. Бунда БПП ва цех ТП лари учун алохида - алохида жадвал тузилади.

3. Барча талаб килинаетган графиклар характеристикалари ва электроэнергия йуколиши хисоблари.

4. Тахлил килинаетган юклама графиклари буйича хулосалар якуни.

5. Берилган адабиетлар буйича курилаетган масала урганиб чикилиши ва тавсиф урганилиш керак ;

6. Ишни бажариш учун керак буладиган курилмани параметрларини танлаб ва кучириб олиниши керак ;

7. Хисобот учун форма тайерланиши керак ;

8. Текшириш учун берилган саволларга жавоб топилиши керак ;

V. Т Е К Ш И Р И Ш   У Ч У Н   С А В О Л Л А Р

1. Тасодифий жараенлар хусусиятларини билдириш учун кайси характеристикалар хизмат килади ?

2. Узгармас юкламалар графигининг модели кандай масалаларни ечиш учун хизмат килади ?

3. Хисобли электр юкламасини асосий туб маъноси нимадан иборат ?

4. Юкламани графикларини кандай характеристикалари электр энергияси йуколишини аниклашга керак булади ва амалда бундай характеристикаларни кандай топиш мумкин ?

А Д А Б И Е Т Л А Р :

1. Вентцель Е.С. " Теория вероятностей ",М."Наука",1969 (Русча).

2. Волобринский С.Д. " Электрические нагрузки промышленных предприятий", М."Энергия " ,1971 (Русча).

3. Ольховский В.Я. Нестационарная модель и статические характеристики электрических нагрузок.В сборн.Режимы и устойчивость электрических систем. Новосибирск. НЭТИ,1971 (Русча).

Хисоблар куйидаги формулалар билан бажарилади:

$$P_c = \frac{\sum_{i=1}^{24} P_i}{24}; Q_c = \frac{\sum_{i=1}^{24} Q_i}{24}; \pm_p^2 = \frac{\sum_{i=1}^{24} P_i^2}{24} - P_c^2; \pm_Q^2 = \frac{\sum_{i=1}^{24} Q_i^2}{24} - Q_c^2;$$

$$r = \frac{\sum P_i Q_i}{23 \cdot \pm_p \cdot \pm_Q} - \frac{P_c \cdot Q_c}{\pm_p \cdot \pm_Q};$$

3 - ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ

ТРАНСФОРМАТОРЛАРНИ ТЕЖАМЛИ ИШ РЕЖИМИНИ ТЕКШИРИШ.

I. ИШНИНГ МАКСАДИ

Цех подстанциялари трансформаторларининг тежамли иш режимини хисоблаш ва тадбик килиш усулларини урганиш.

II. НАЗАРИЙ КИСМ

Цех подстанцияси трансформаторларининг уланган юклама вакт давомида узгартириб тургани учун трансформатордаги кувватни йуколиши вакт давомида турлича булади.

Трансформаторлари бир хил юкланган икки трансформаторли подстанцияда кучланиш узгармас, юклама эса узгарувчан булганда кувват йукотиши юкламага боглик булади :

$$\Delta P(t) = 2 \cdot \Delta P_{xx} + 2 \cdot K_3^2(t) \Delta P_{K3}$$

$$K_3(t) = S_T / 2S_T$$

Бу ерда аP_{xx} - трансформатор салт ишлаганда йуколадиган актив кувват ;

аP_{K3} - киска туташувда йуколадиган актив кувват;

K_3 - трансформатордаги юклаш коэффициенти ;

S_T - битта трансформаторни номинал куввати ;

$S(t)$ - икки трансформаторли подстанция юкламаси ;

Подстанцияда битта трансформатор ишлаганда актив кувват йукотилишлари куйидагича топилади :

$$\Delta P(t) = \Delta P_{xx} + K_3^2(t) \Delta P_{K3}$$

Иккита трансформатор ишлагандаги йукотишлар кийматини юклама катталигига боглик графиги 1- расм курсатилган (1 - эгри чизик).

Битта трансформатордаги актив кувват йуколиши 2 - эгри чизик оркали ифодаланган



1- расм. Трансформаторлардаги йукотишларни юкламага богликлиги графиги .

I - Иккита трансформатордаги йукотишлар ;
II - Битта трансформатордаги йукотишлар .

I ва II - эгри чизикларни кесишган нуктаси $\boldsymbol{S_A}$ юкламага мос келади, бундай юкламада иккита трансформатордаги йукотиш битта трансформатордаги йукотишга тенг булади. Расмдан куринадики, ***S(t)* < $\boldsymbol{S_A}$** булса, битта трансформатор ишлаганда кувват йукотиш иккита трансформатор ишлаганга нисбатан камрок ва аксинча ***S(t)*>$\boldsymbol{S_A}$** да 2 та трансформатор ишлаганда йукотишлар камрок булади. Кувватни (1) ва (2) - ифодаларнинг унг томонлари узаро тенглаштириб хисоблаш мумкин :

$$2\Delta P_{xx} + 2\left(\frac{S_A}{2S_T}\right)^2 \cdot \Delta P_{K3} = \Delta P_{xx} + \left(\frac{S_A}{S_T}\right)^2 \cdot \Delta P_{K3}$$

Оралик узгартиришларини тушуриб колдириб

$$S_A = S_T \cdot \sqrt{\frac{2\Delta P_{xx}}{\Delta P_{K3}}}$$

ни олиш мумкин.

Агар трансформаторни сутка давомида учириб еки улаб туриш зарур булса, бу автоматик усулда, камрок керак булса (бир хафтада бир марта) кулда амалга оширилади. Лаборатория моделида суткалик график буйича трансформаторларни автоматик усулда уланади ва учирилади.

III. И Ш Н И Б А Ж А Р И Ш Т А Р Т И Б И

1. Цех трансформатор подстанцияси учун $\boldsymbol{S_A}$ хисоблансин.

2. Олдинги ишда олинган актив ва реактив кувват графиклари ердамида сутка ичидаги тула кувват графиги курилсин.

3. Тулик кувват ***S=f(t)*** графиги буйича Т3 трансформаторининг уланиш ва узилиш моментлари аниклансин.

4. Курилма уланади. Цех подстанцияси учун белгиланган режимни тугри эканлиги кузатилади.Графикларда бир еки иккита трансформатор ишлаган вактлар белгиланган холда узи езувчи прибор ердамида ***I(t)*** графиги олинсин.

5. Цех подстанциясидаги трансформаторларни тежамли иш режимини тадбик килиш асосида тежаб колинган электр энергияси аниклансин.

Хисоблаш учун керакли булган трансформатор параметрлари 1- лаборатория ишининг I - жадвалида берилган.

IV. Х И С О Б О Т Г А К У Й И Л А Д И Г А Н Т А Л А Б Л А Р

Лаборатория иши буйича тайерланган хисобот куйидагиларни уз ичига олиши керак :

1. Ишни бажариш учун керак булган курилманинг барча параметрлари;

2. S_A нинг хисоби ;

3. Олдинги иш натижалари буйича курилган тула кувватнинг суткалик юклама графиги. Графикда S_A катталик белгиланган булиб, Т3 трансформаторини улаш ва узиш дакикалари курсатилиши керак;

4. Тулик кувват графиги. Бу графикда куйидагилар курсатилган булиши керак :

5. Цех ТП трансформаторларини тежамли режимини куллаш натижасида тежаб колинган электр энергиясини хисоби. Тежамни сутка учун учун хисобланган ва кВТ*соатларда аникланиши керак.

6. Хулоса.

V. Т Е К Ш И Р И Ш У Ч У Н С А В О Л Л А Р

1. Трансформаторлардаги киска туташув ва салт ишлашда актив ва реактив кувват йукотишлари нимага боглик булади ва кандай пайдо булади ?

2. Трансформаторни Г - симон алмаштириш схемасини чизинг ва у ердамида трансформатордаги йукотишни физик маъносини тушунтириб беринг.

3. ТМЗ - 1000/10 типидаги трансформатор конструкциясини ва ишлаш принципини тушунтириб беринг .

А Д А Б И Е Т Л А Р

1. Федоров А.А.,Каменева В.В. Основы электроснабжения промышленных предприятий.М.: Энергоатомиздат,1984 (русча).

2. Мукосеев Ю.А. Э л е к т р о с н а б ж е н и е промышленных предприятий. М.: Энергия,1973.

4 - Л А Б О Р А Т О Р И Я   И Ш И

КУЧЛАНИШИ 1000 ВОЛЬТгача БУЛГАН ЦЕХ ЭЛЕКТР ТАРМОКЛАРИДА "ФАЗА - НУЛЬ" ХАЛКАСИ КАРШИЛИГИНИ ТЕКШИРИШ

I. И Ш Н И Н Г   М А К С А Д И

Иш хисоблаш - тажриба характерига эга.Ишнинг максади - " Фаза - нуль " халкаси каршилигини аниклаш,текширилаетган линияларда киска туташиш токини топиш, бир фазали киска туташиш токи буйича химоя аппаратларини танлашдан иборат.

II. Н А З А Р И Й   К И С М

Саноат корхоналарида 4 та симли кучланиши 380/220 В булган нейтрали ерга уланган ва нуль симли цех электр тармоклари кенг таркалган. Баъзи холларда нормал холатда кучланиш остида булмайдиган металл кисмларда корпусга уланиб колиш натижасида одамлар учун хавфли булган потенциал пайдо булиши мумкин. Хавфсизликни таъминловчи асосий тадбирлардан бири ерга улаш хисобланади. Электр курилмасининг бирор кисмини атайлаб ерга уловчи курилма (заземляющее устройство) билан электр боглаш " ерга улаш " (" з а з е м л е н и е ") дейилади." Ерга уловчи курилма ": " ерга уловчи " ("заземлитель") ва "ерга уловчи утказгичлар" (" заземляющие проводники")дан иборат булади." Ерга уловчи " деб ер билан тугридан - тугри контактда буладиган металл утказгич еки утказгичлар гурухига,"ерга уловчи утказгичлар" деб электр курилмаларининг ерга уланадиган кисмларини "ерга уловчи" билан бирлаштирувчи утказгичга айтилади.

Трансформаторнинг ерга уланадиган нейтрали "ерга уловчи курилма"га кичик каршилик (ток трансформатори бирламчи чулгами) оркали еки тугридан-тугри сим билан уланади. Трансформатор нейтралини "ерга уловчи курилма" га уловчи нуль сим фазаларининг юкламаси хар хил булганда тескари сим булиб хизмат килади. Нейтрали тугридан - тугри уланган электр курилмаларида ерга уланган кисмлар изоляция бузилиши еки бошка сабаблар билан бирор фаза билан бирикиб колган такдирда автоматик равишда манбадан киска вакт ичида уни узилиши таъминланиши зарур. Шу максаддда бундай электр курилмаларида нуль сим ердамида электр ускуналари корпуслари ерга тугридан - тугри уланган нейтраль билан металл богланишда булиши керак.Ерга улашнинг бундай системаси "нулга улаш"("заземление") деб аталади.Бундай металл богланиш нуль симдан ташкари "ерга уловчи симлар" ердамида бажарилиши мумкин. "Ерга уловчи курилма"да табиий ва сунъий " ерга уловчи " лар ва "ерга уловчи утказгичлар" ишлатилади. Табиий "ерга уловчи" лар сифатида ер билан бевосита алокада булган металл кувурлар, биноларнинг металдан килинган ерости кисмлари кабелларнинг кургошин копламалари ишлатилади (алюминий копламаларни ишлатиш мумкин эмас). Сунъий "ерга уловчилар" бурчакли ва юмалок пулатдан ва газ-сув кувурларидан бажарилади." Ерга уловчи утказгич " лар ва "нуль химоя утказгичлар еки симлар" сифатида эса :

1. Нуль симлар факат шу максадда ишлатиладиган утказгичлар (мис ва алюминий симлар, пулат тасма);

2. Биноларнинг металл конструкциялари ;

3. Темир - бетон конструкциялар арматураси;

4. Ишлаб чикаришда кулланиладиган металл конструкциялар (кран йуллари, каркаслар, рельслар) ;

5. Электр симлари учун пулат трубалар ;

6. Кабелларнинг алюминий копламалари ;

7. Шинопроводларнинг металл копламалари (к о ж у х л а р и) ва конструкциялари ;

8. Очик еткизилган кувурлар (турбопроводлар); (енувчи ва портловчи моддалар уувурларидан ва канализация хамда иситиш кувурларидан ташкари);

Кучланиши 1000 В гача ,нейтрали ерга тугридан - тугри уланган электр курилмаларида шикастланган участкаларни автоматик тарзда узиш имконияти яратиш учун керак. Бунинг учун "ерга уловчи симлар" ни шундай танлаш керакки, бирор фаза корпусга еки нуль симга уланиб колгандаги 1 фазали киска туташув токи $I_K^{(1)}$ учун куйидаги шартлар бажарилиши керак :

1. Эрувчан куймали саклагичлар учун :

а) Нормал мухит шароитларида

$$I_K^{(1)} \geq 3I_{BCT} \quad (1)$$

б) Портлаш хавфи бор мухитларда

$$I_K^{(1)} \geq 4 \cdot I_{BCT} \quad (2)$$

Бу ерда I_{BCT} - саклагич эрувчан куймасининг номинал токи.

2. Токга тескари боглик характеристикали автоматлар учун :

а) нормал мухит шароитларида

$$I_K^{(1)} \geq 3I_{HP} \quad (3)$$

б) Портлаш хавфи бор мухитларда

$$I_K^{(1)} \geq 6 \cdot I_{HP} \quad (4)$$

Бу ерда I_{HP} - автоматик у з у в ч и (расцепиель) синиң номинал токи.

3. Факат киска туташув токидан химоя килувчи узувчи элементли автоматлар учун :

$$I_K^{(1)} = \left(1{,}25 - 14\right) I_{y.k.} \quad (5)$$

Бу ерда $I_{y.k}$ - киска туташувдан химоя элементининг ишлаб кетиш (ток срабатывания) уставка токи.

" Ерга уловчи симлар " нинг утказувчанлиги фаза сими утказувчанлигини камида 50 % ни ташкил этиши керак.

Текширишлар ва тажрибалар шуни курсатдики, ичида фазалар утказилган пулат кувурдан, пулат зирхдан ва шинопровод копламасидан ташкари утказилган нуль симлар нуль тартибли токларга катта каршилик курсатади. Натижада 1 фазали киска туташув токлари химоя аппаратлари ишлаши учун етарли кийматга эга булмайди. Шунинг учун кабель , пулат трубалар,шинопроводдаги нуль шина еки алюминий тасма нуль сим сифатида ишлатилса, 1 фазали киска туташув токи киймати анча ортади.Агар 4 - жилалик кабелнинг нуль жиласи, шинопроводнинг нуль шинаси еки шинопровод кожухидаги алюминий тасма нуль сим сифатида ишлатилса, ерга уланиш токи (1 фазали киска туташув токи) энг катта кийматга эга булади.

Нейтрали ерга бевосита уланган, кучланиши 1000 В гача электр тармокларида фаза ва нуль симлар уртасидаги киска туташув токи куйидагича топилади :

$$I_K^{(1)} = \frac{U_\Phi}{Z_n + Z_T / 3} = \frac{U_\Phi}{Z_{yg} \cdot l + Z_T / 3} \qquad (6)$$

Бу ерда : $\boldsymbol{U_\Phi}$ - фаза кучланиши ;

$\boldsymbol{Z_T}$ - трансформаторнинг корпусга уланишига булган тула каршилиги ;

$\boldsymbol{Z_n}$ - "фаза - нуль сим" халкасининг тула каршилиги ;

$\boldsymbol{Z_{yg}}$ - "фаза - нуль сим" халкасининг солиштирма каршилиги , Ом/м ;

$\boldsymbol{l}$ - "фаза - нуль сим" халкаси узунлиги, м ;

III. И Ш Н И Б А Ж А Р И Ш Т А Р Т И Б И

1. Лаборатория стентида куйидаги линиялар текширилади :

а) 4 - жилилик, кесим юзаси 6 мм^2, маркаси АНРБ булган кабель ; унинг узок йул куйиладиган токи Iдл.доп = 35 А, узунлиги 10 м нуль чсифатида 4 - нуль жиласи ва кабель зирхи (броня)си ишлатилган ;

б) 3 - жилалик, кесим юзаси 50 мм^2 , маркаси ААшВ булган кабель ; унинг узок йул куйиладиган токи Iдл.доп = 110 А, узунлиги 10 м. Нуль сим сифатида кабелнинг алюминий кобиги ва пулат уголок ишлатилган ;

в) 1 жилали , кесим юзаси 2,5 мм 2 , маркаси АПВ булган сим ; токи I дл.доп = 19 А , узунлиги 10 м., нуль сим сифатида пулат кувур (труба) ва фаза сими билан кувур ичида бирга утказилган А П В маркали сим ишлатилган ;

г) ШРА типидаги 250 А лик шинопровод ; нуль сим сифатида нуль шина ишлатилади.

Юкорида келтирилган линияларнинг охирларида фаза ва нуль симлари металл бирлаштирилиб, сунъий равишда "фаза - нуль" халкалари хосил килинган. Фаза ва нуль симларнинг иккинчи учлари стентдаги улчов асбобларига (амперметр ва милливольтметр) ва ток манбаси автотрансформаторга пасайтирувчи трансформатор оркали уланган.

Ток манбаси параметрлари куйидагича . Автотрансформаторнинг типи РНО :

номинал токи 25 А ;
кучланиши 0 - 250 В ;
пасайтирувчи трансформаторнинг типи ТС - 1,5 ;
номинал куввати 1,5 кВА ;
кучланиши 380 - 220 В ;
улаш схемаси ;
= 12 В ;

1 - расмда "фаза - нуль" халкасининг каршилигини тажриба асосида улчовчи лаборатория стендининг схемаси курсатилган.

2. Лаборатория стендида текширилаетган хар бир линия ердамида навбат билан паст кучланишли манбага уланади. Линиялардаги "фаза - нуль" халкларидан утадиган токнинг турли киймати кучланишни автотрансформатор ердамида узгартириб олинади. Олинаетган токнинг кийматлари хар бир утказгич учун унинг токидан кичик булиши керак (Ток 10 - 15 А гача

булса етарли). Линиялар охирида сунъий киска туташув хосил килингани учун, кучланиш киймати 10 В дан катта булмайди. Хар бир нуль сим варианти учун "фаза - нуль" халкасидан камида 3 тадан кийматлари езиб олиниб, бу кийматларнинг крта арифметик сони куйидагича формулага куйилиб, халкаларнинг солиштирма каршилиги топилади :

$$Z_{п.уз.} = \frac{\Delta U}{I_{ис}^{(1)} \cdot l_{ис}}, Ом \cdot м$$

Бу ерда ΔU - вольтметр (милливольтметр) билан улчанган халкадаги кучланиш пасайишининг уртача сони, В ;

$I_{ис}^{(1)}$ - амперметр ердамида улчанган " ф а з а - н у л ь" халкасидаги синов токининг уртача киймати, А ;

$l_{ис}$ - "фаза - нуль" халкасининг стенддаги узунлиги ;

Текширилаетган линияларнинг курсаткичлари, улчов асбобларининг курсатишлари ва хисоблар натижалари 1 - жадвалга киритилади.

3. 2 - расмда схемаси келтирилган цех электр таъминоти системаси учун 1 - фазали киска туташув токи " ф а з а - н у л ь " халкаси тузилишини хисобга олган холда (6) формула буйича топилади. Бунда кийматлари 1 - жадвалдан олинади.)

4. 2 - расмдаги схемада келтирилган двигателлар ва таркатиш курилмасидан кетган кабелларни химоя килувчи саклагичлар ва автоматларнинг эрувчан куйилмалари (плавкая вставка) токлари ва узувчи элементлари (расцепитель) токлари куйидаги формулалар ердамида топилади :

IV. Х И С О Б О Т Г А Т А Л А Б Л А Р

Лаборатория иши буйича хисобот куйидагиларни уз ичига олиши керак :

1. Текшириладиган линияларнинг паспорт курсаткичлари ва улчов асбобларининг курсаткичлари ;

2. Асосий хисоблаш формулалари ;

А Д А Б И Е Т Л А Р :

1. Федоров А.А. Основы электроснабжения промышленных предприятий. М. Энергия , 1984 (русча).
2. Мукосеев Ю.Л. Основы электроснабжения промышленных предприятий. Л. Энергия, 1973 (русча).

5- ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ

КУЧЛАНИШИ 1000 ВОЛЬТГАЧА БЎЛГАН ШИНАЛИ ЎТКАЗГИЧЛАРНИ ЎРГАНИШ

I. ИШНИНГ МАҚСАДИ:

Цех ва нимстанцияларда кучланиши 1000 волътгача бўлган шинали ўтказгичларини турлари, маркалари, уларни ўрнатиш усуллари, трансформаторга улаш схемаларини ўрганиш.

II. НАЗАРИЙ ҚИСМ

Комплект шинали ўтказгичлар

Магистрал ва аралаш схемаларда ишлатилувчи шинали ўтказгичлар комплект конструкциясига эга бўлиб уларнинг қуйидаги турлари бор:

1. ШМА комплект магистрал алюминий шинали ўтказгичи 1600 А, 2500 А ва 4000 А номинал токларга чиқарилади. Шинали ўтказгичлар турли конструкцияли алохида секциялардан тузилган. Цех режасида шинали ўтказгич трассаси белгиланиб, ундаги секциялар сони аниқланади. Қуйидаги секциялар бор: узунлиги 6м, 3м ва 1,5 метрли тўғри секциялар, трасса йўналишини ўзгартириш учун бурилиш секциялари, баландлигини ўзгартириш учун бурчак секциялари, чизиқли узайиш ва қисқаришини қопловчи эгилувчан компенсацион секция, трассани режага мословчи (подгоночная) секция, А3734 С ёки А3744 С туридаги чизиқли автомат ўрнатиладиган секция, КТП-1000, КТП-1600, КТП-2500 нинг трансформаторига (улаш) кириш секцияси; номинал токи 1600 А ли шинали ўтказгичда нул сим сифатида кўтариб турувчи конструкциялари ишлатилади, 2500А ва 4000А ли шинали ўтказгичларда нул сим учун махсус алюминий лента ўтказилган.

Секциялар ўзаро болртли бирикмалар билан уланади. “Яқинлик” эффекти натижасида орқада қолаётган фазага ўзиб кетувчи фазадан қувват кўчиши ходисасини олдини олиш учун хар бир фаза махсус жойлаштирилган 2 тадан тўғри бурчак кесимли алюминий шиналардан бажарилади.

ШМА шинали ўтказгичи қурилиш конструкциялари бўлган деворлар, потолок, металл конструкциялари бўйича ва махсус устунларда ўтказилади.

2. ШРА туридаги, алюминий шиналардан ясалган тарқатувчи комплект шинали ўтказгич 250 А 400 А ва 630 А номинал токларга чиқарилади. ШРА трассаси узунлиги 3 м ва 1.5 метрли тўғри, бурилиш ва бурчак секцияларидан йиғилади. Бу секцияларда 4 та тўғри тўртбурчак кесимли алюминий шиналар ишлатилади. Шиналар туника конструкция ичига изоляцияловчи ушлаб тургичларда махкамланиб, секциялар ўзаро болтли боғланишлар билан уланади. Тўғри секцияда хар 0.7 метр масофада ўнг ва сўл томонидан тарқатувчи кути штепсел равишда ўрнатиладиган туйнуклар бор (1та 3 метрли тўғри секциядаги бундай туйниклар сони 4 та) Тарқатувчи қути ўрнатилмайдиган туйнуклар қопқоқ билан бекитиб қўйилади. Тарқатувчи қутида А 3715; 16, А3725; 26 автоматлари ёки 3 фазали сақлагичлар гурухи кесувчи (рубилрник) билан бирга ўрнатилади. Тарқатувчи қутига ЭИ га кетувчи кабеллар ва симлар уланади.

ШРА қурилиш конструкцияларида (деворларда) ёки махсус устунларда ўтказилади.
ШРА, ШМА, ШОС, ШТМ комплект шинали ўтказгичлари машинасозлик ва тўқимачиликда кенг ишлатилмоқда.

III. НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Шинали ўтказгичларини турлари айтиб беринг ?
2. Шинали ўтказгичларини номинал токлар қаторини ёзинг ?
3. Шинали ўтказгичларини конструкциясига қараб қандай турлари бор ?
4. Белгиланишдаги харфларни изохланг ?

6 - L A B O R A T O R I Ya I SH I

КАБЕЛ ВА СИМЛАРНИНГ МАРКАЛАРИ ВА ЎТКАЗИШ УСУЛЛАРИНИ ТАНЛАШ

I. ИШНИНГ МАҚСАДИ :

Кабелъ ва симларни маркаларини танлаш, уларни ётқизиш ва ўтказиш усуллари, уларни қўлланилиш сохасини ўрганишдан иборат.

II. НАЗАРИЙ ҚИСМ

Асосий ток ўтказувчи материаллар бўлган кабел ва симларнинг ток ўтказувчи симлари алюминийдан (70%) ва мисдан ясалади. Мис ўтказгичлар қуйидаги холларда ишлатилади:

1).Электр ёй печларининг “қисқа тармоьи” ни бажариш учун;

2).Троллей ток ўтказгичлари учун;

3).В-I ва В-Iа тоифаларидаги портлаш хавфи бор хоналар учун;

4).220 кВ ва ундан юқори кучланишли подстанцияларда иккиламчи занжирлар учун;

